





Шу азиз Ватан барчамизники

# ОСОЙИШТАЛИК - ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Бугунги ислохотлар жараёнининг бир маромада самарали олиб борилаётганида юртимизда ҳукм сураётган тинч ва осуда ҳаёт муҳим омил бўлмоқда. Осойишталик бор жойда ишда унум ва барака бўлиши табиин. Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси бошлиғи, ички хизмат генерал майори Эркин Норгитов билан суҳбатимиз шу хусусда бўлди.

**- Эркин Норгитович, пойтахтда жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида сўзлаб берсангиз?**

Фуқаролар тинчлигини сақлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш фаолиятимизнинг устивор йўналишларидан ҳисобланади. Пойтахт аҳолисининг тинч-осойишта яшашлари ва ишашлари учун бир қатор тезкор тадбирлар амалга оширилмоқда. «Тозалаш», «Тун», «Тусик», «Хонодон» каби тадбирлар довомида кўпалб жиноятларнинг олди олинди. Айниқса, кидиривча юрган ҳавфли жиноятчиларни ушлаш, қамалиб чиққанлар билан профилактика ишлари олиб бориш борасида яхши самараларга эришилди. Четдан келган дайдилар ушланиб, маҳсус қабул қилиш муассасаларида текширувдан ўтказилди. Майда безорилик билан шугулланган 6 мингдан ортиқ шахсга нисбатан тегишли чоралар кўрилди. Участка вакиллари томонидан муқаддам судланган шахслар текширилди. Балоғатга етмаган 2232 нафар ўсмир назоратга олинди. Осойишталикни сақлашда жамоатчиликнинг ҳиссаси катта. Биз маҳаллаларда фаоллар билан мунтазам учрашувлар ўтказиб, унда жамоатчиликни ўйлантираётган муаммолар, осойишталикни сақлашда жамоатчиликнинг ролни каби масалаларни муҳокама қилиб борамиз. Бу йўналишдаги тадбирларимиз изчил давом этмоқда. Шунингдек, ходимларимиз томонидан йил бошидан бери 60 дан ортиқ уюшган гуруҳ тугатилди. Улар асосан босқинчилик, талончилик ва бошқа оғир жиноят турлари билан шугулланиб келишган. Ишонтириб айтаманки, ҳеч қандай жиноий гуруҳ ҳалқимиз осойишталигига путур етказолмайди.

**- Жаҳон жамоатчилигини ташвишга солаётган муаммолардан бири - бу гиёвандликка қарши курашдир. Пойтахт милицияси ушбу йўналиш бўйича қандай тадбирларни амалга оширмоқда?**

XX асрнинг вобоси ҳисобланмиш гиёвандликка қарши кураш бўйича бутун дунёда кескин кураш олиб боришмоқда. Гиёвандлик моддаларини тарқатиш оқибатида жамият равнақи минг-минглаб кишилар саломатлиги ҳавф остида қолади. Бу иллатга қарши бизда кескин кураш олиб боришмоқда. Хабарингиз бор, республикаимиз гиёвандликка қарши кураш, уни ноқонуний равишда тарқатиш, сотишнинг олдини олиш бўйича тузилган барча халқаро ҳуқуқий битимларга қўшилган.

Жорий йилнинг мой ойдан бошлаб республикаимизда «Қора дори -98» тадбири ўтказилмоқда. Ушбу тадбирни ўтказишга бошқармаимиз ходимлари ҳам пухта тайёргорлик кўришди. Тадбирнинг асосий мақсади - гиёвандликнинг олдини олиш, гиёвандларни аниқлаш, бу иллатнинг тарқалишига йўл қўймалик билан боғлиқ ишларни амалга ошириш эди. Маҳсус режа асосида 24 та тезкор гуруҳ тузилди ҳамда 12 та пост ташкил қилиниб, техник восита ва зарур анжомлар билан таъминланди.

Бу йилги ишларимизни рақамлар билан ифодалайдиган бўлсак, йил бо-

шидан бери гиёвандлик билан боғлиқ 900 га яқин жиноятлар очилди. Жиноятчилардан 66,5 килограмм гиёвандлик моддаси тортди олинди.

Фикримизнинг далили учун бир нечта мисоллар келтириб ўтмоқчиман. Апрель ойида жиноят-кидирив бошқармаси ходимлари томонидан Самарқанд шаҳрида яшовчи Ж. Қосимов ва унинг ҳамтовоқлари 6 килограмм 79 грамм героин гиёвандлик моддаси билан қўлга олинди. Ҳали шахримиз миқёсида бундай катта миқдордаги героин моддаси қўлга олинмаган эди.

Тезкор тадбир ўтказиш чоғида Мирзо Улуғбек тумани ПТЗ даҳасида сурхондарёлик У.Ражапов салкам 10 килограмм қора дори гиёвандлик моддаси билан ушланди.

Республикаимиз ҳудудида ноқонуний равишда гиёвандлик моддаларини олиб келиб ва сотувчилар орасида қўшни давлатлар фуқаролари ҳам учрамоқда. Мисол учун тожикистонлик А. Азимбоев, В.Миряхев республикаимиздаги шериклари билан 854,4 грамм героин моддасини пуллашга уринишганида қўлишлари фош қилинди. Яна бир тожикистонлик фуқаро Саттор Каримов ҳам ҳалол меҳнати билан оиласини тебратиб юриши мумкин эди. Бироқ, нафси уни ҳалокат ботқоғига етақлади. Салкам 1 килограмм героинни сотмоқчи бўлганида жиноий фаолиятига нуқта қўйилди.

**- Албатта, гиёвандликка қарши кураш мавсумий иш эмас. Зеро, бу иллатнинг пайини қирқиб соғлом авлод қафолатлардан берибдир. Ноқонуний қуроолар сақлашишга қарши кураш борасида пойтахт милицияси қандай ишларни олиб бормоқда?**

Ноқонуний равишда қурол-яроғ сақлаш қонунларимизда қатъиян тақиқланади. Йил бошидан буён ана шундай ноқонуний равишда сақлаганилиги учун фуқаролардан 600 дан ортиқ ов қуроолари олиб қўйилди. Ходимларимизнинг сазй-харакатлари натижасида жиноятчилардан 18 та тўппонча, 10 та ясама тўппонча, 17 та қирқина милтик, 9 та граната, 4346 дона ўк тортди олинди.

Мирзо Улуғбек тумани жиноят кидирив бўлими ходимлари томонидан Александр Пагга тегишли «Ваз-2101» русумли автомашина тўхтаб текширилганида 3 та жанговор автомат, Мака-

(Давоми 4-бетда).



Пойтахт прокуратурасининг умумий назорат бўлимида иш доим қизғин. Бироқ, ходимлар тез-тез йиғилиб долзарб муаммоларни муҳокама қилишга ҳам вақт топади.

Прокурор сўз сўрайди

Мамлакатимиз мустақиллигига ҳадемай етти йил тўлади. Бу давр ичида республикаимиз жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади. Ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан дунёдаги етакчи мамлакатлар орасида ўз нуфузи, обрў-эътиборига эга бўлди. Қатор халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида жаҳон майдонига ўзига ҳос йўл билан кириб бормоқда.

Албатта, бу ишлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Мураккаб ўтиш даври шароитида ислохотларни амалга ошириш осон кечмаяпти. Мамлакат раҳбариятининг собит қадам ички ва ташқи сиёсати туфайли Ўзбекистон нефть, дон мустақиллигига эришди. Саноат ва қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар самара бера бошлади. Барча соҳаларда, хусусан бозорларни ташкил этиш ва тартибга солиш юзасидан ҳам қатор ижобий ишлар амалга оширилди.



Сандақбар РЎЗИЕВ Тошкент шаҳар прокуратураси умумий назорат бўлими бошлиғи

Бундан беш-олти йил муқаддам юртимизда бўлган одам ҳозирги кунда бозорларимизни кўрса лол қолиши аниқ. Замоनावий усулда қурилган, барча қўлайликларга эга бозорларимиз ҳамisha гавжум ва тўкин-сочин. Бироқ, ана шу хашаматли гўшаларда савдо-сотик ишлари, харидору сотувчига шарт-шароит яратишга масъул раҳбарлар орасида ўз вазифасига совуққонлари ҳам учроб турибди.

Тошкент шаҳар прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бозорлар фаолиятини ташкил этиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари ижроси аҳволини ўрганиб чиқди.

Таъкидлаш лозимки, ҳокимликлар томонидан бозорлар фаолиятини яхшилашга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилган. Жорий йилнинг ўтган

## ҚОНУН БУЗИЛМАС ҚЎРҒОНДИР

даврида «Тошбозорсавдо» уюшмасини умумий даромади 450,1 миллион сўмни ташкил этган. Бу ўтган йилнинг шу даврига қараганда 1,88 баробар ўсишга эришилганини кўрсатади. Жой ва хизмат кўрсатиш тушуми ҳам 106,1 миллион сўмга кўйайган. Бозорларда сотувчи ва харидорларга бир қатор қўлайликлар яратилган. Хусусан, маҳсулот сотувчилар учун 28 мингдан ортиқ янги савдо ўринлари ташкил этилган, 23 та йирик бозор ва шаҳобчаларда радио тармоқлари ўрнатилган, аҳолига маъийиш хизмат кўрсатиш бўйича 30 га яқин сартарошхона, 17 та фотосалон, 54 та хожатхона, 94 ўринли меҳмонхона, 68 та пойабзат тугатиш ва 15 та соатсозлик устоналари иш бошлан.

Лекин ана шу ибратли ишлар билан бир қаторда камчилик ва қонун бузилиш ҳолатлари ҳам йўл қўйилмоқда. Жорий йилнинг март-апрел ойларида умумий назорат бўлими томонидан «Олой бозори», «Наврўз бозори», «Фарҳод бозори» ва «Сирғоли бозори» акционерлик жамиятларида ўтказилган текширишларда пул тушумларини вақтида ҳазинага қирим қилмаслик, патта сотиш, ижара ва коммунал хизмат ҳақларини вақтида ундирмаслик, савдо қоидалари бузилиши, акциз мар-

касизис тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликлар сотилиши, ҳеч қандай ҳужжатсиз тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш, деҳқонларга ва сотувчиларга маъийиш хизмат кўрсатиш аҳволи паслиги, аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш чоралари тўлиқ кўрилмаётганлиги, баъзи бозорларнинг санитария аҳволи талаб даражасида эмаслиги аниқланди.

Шаҳар солиқ идоралари томонидан жорий йилнинг 19-29 май кунлари шаҳар бозорларида ўтказилган текширишларда 427 та қонун бузилиш ҳолатлари аниқланган. Акциз маркази бўлмаган 1271,47 минг сўмлик тамаки маҳсулотлари, 1312,1 минг сўмлик спиртли ичимликлар, сифат сертификати бўлмаган 584,82 минг сўмлик маҳсулотлар савдондан олиб қўйилган. 17 та жиноят иши кўзга тутилган, 68 та материаллар қўшимча текширув ўтказиш учун бошқа идораларга юборилган. 275 та шахс маъмурий жавобгарликка тортилиб, 502 минг сўмлик жазима ундирилган.

Шунингдек, ветеринария хизмати врачлари томонидан қонун талабларининг бузилишига йўл қўйган 3930 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилган ва улардан 929695 сўм жазима ундирилган. Бундай қонунбузарликларга асосан «Эски Жува бозори», «Бектемир бозори», «Олой бозори», «Паркент бозори» акционерлик жамиятларида йўл қўйилган. Жорий йилнинг 4 ойида ветеринария қоидаларига ҳилоф равишда сотишга бўлган 12364 кг гўшт маҳсулоти, 579 кг сут ва истеъмолга яроқсиз бўлган 59740 кг ўсимлик ёғлари сотувдан олиб қўйилган.

«Беш-ёғоч бозори» акционерлик жамиятида ўтказилган текширишларда бозорлардаги тош-тарозилар стандарт талабларига жавоб бермаслиги, бозор ҳудудлари тозаланмаганлиги, санитария нормалари қўпол равишда бузилаётганлиги аниқланган. Текшириш натижаси бўйича жавобгар шахсларга нисбатан Чилеңзор туман про-

(Давоми 6-бетда).









France-98



Батистута: голдан сўнгги кувонч.



Бергкамплнинг ана шундай зарбалари Аргентина жамоаси учун қимматга тушди.



Англиянинг муқаррар мағлубияти инглизлар фахри Оуэнинг майдонни ййглаб тарк этишига сабаб бўлди.



Шужернинг зарбаси бир неча сония ўтмай дарвоза тўрига теғди.



Алдаир ва Самарона: тўп учун кураш.

Жавоби ҳам биздан ПОЙНТАР...

1. Одам вақт топса нима қилади?
2. Дўппи тор келиб қолса-чи?
3. Қарс икки кўлдан чиқади, Уч кўлдан-чи?
4. Иш битказиш учун нима қилиш керак?
5. Балиқ нимага гапирмайди?
6. Колумб Американи кашф этмаганди нима бўлорди?
7. Пулни қаерда туғдиришди?
8. Оёқ қачон узун кўринади?
9. Ўзи бутун, номи яримта. Бу нима?

СОЙИНТАР...

- Бошини қашийди.
- Бошқасини сотиб олади.
- Характеристика.
- Эшакни сувдан ўтказиш керак.
- Оғзига сув киришдан кўрққани учун.
- Долларни билмаган бўлордик.
- Банкда.
- Этак калта бўлганда.
- Арок.

Илхом ЗОЙИР.

Бир чимдим кулгу

Судья: Сиз жабрдийда чўмилиб-тганида кийимини ўтириб кетибсиз. Ўзингизни оқлаш учун нималар деволасиз?

Айбланувчи: У ерда чўмилиш тақиқланган, тақсир.

Судья гувоҳга:  
- Нимага асосланиб айбланувчини маст эди деяпсиз? Далилини-гиз нима?  
- Судья жаноблари, далилим шуки, у телеграф устунини силки-тиб-силкитиб, кейин энгашди-да, ердан олмалар қидира бошлади.

Миллионер машинани тўхтатди:  
- Нега катта тезликда кетаяпсиз?  
- Биласизми, тормоз бузилиб қолди. Шунинг учун авария бўлмасдан тезроқ уйимга етиб олақолай деб ошиқяпман.

Полиция бошлягининг хузурига енглари шимарилган полициячи кирди:  
- Шеф, айбланувчи айбига икром бўлди.  
- Қайси айбланувчи?  
- Анави, қизил бурунлиги.  
- Ие, у жабрданувчи эди-ку...

Миллионер машина ҳайдовчидан сўрайди:  
- Сиз қандай қилиб машинага маст ҳолатда ўтирдигиз?  
- Ўртокларим ёрдам берди.

Полициячи машинани тўхтатди. Уни бошқариб кетаётган оёл куялик билан дейди:  
- Хўш, ким-кимни оғохлантирди. - Йўл қондасини буздингиз, деб Сиз меним ёки жияним полиция комиссарининг муовини бўлиб ишлайди, деб мен Сизинми?

Хобби

ВАТАН «ЖАНГЧИ» СИ

Дилшод Исроилов, Зангиота туман прокурори:

-Фикримча, спортчилар ўз Ватанини бошқа юртдошларига нисбатан минг чандон зиёда суйиши керак. Чунки, бошқа касб эгаларидан фарқли равишда спортчилар ҳар бир чемпионатда чин маънодаги ўзига хос курашга, адолатли, гўзал бир суратдаги фикрий ва жисмоний беллашувга чиқади. Ҳар бир «жангчи» Ватани шарафини ҳимоя қилиш учун майдонга тушади. Спорт қайси-дир маънода ор-номус, юртга шан ҳисобланади. Ҳар қандай давлат учун энг катта реклама спортдир. Биз мухлислар ўйинда иштирок этмасак-да, ҳаяжонимиз ўйинчиларникидан кам бўлмайди. «Бизникилар!» деб ўзимизни улар сафига қўшиб ўтирамиз. Ҳар бир мағлубият бизнинг бошимизни ҳам эгди. Чунки, Ватан олдида хи-жолатда қоламиз.




Кроссворд

**Энига**  
4. Аргентина ҳужумчиси. 8. Болгария ярим ҳимоячиси. 10. Кучли дарвозабонлардан бири. 11. «Милан»да ўйнавчи XVI чемпионатнинг кучли ярим ҳимоячиларидан бири. 14. Япония ўйинчиси. 15. Фамилиясининг ярмига «Гал» қўшиб айтиладиган ўйинчи, бомбардирлардан бири. 20. Руминия ўйинчиси, муҳим голлардан бирининг муаллифи. 21. Камерунлик, чемпионатнинг энг ёш ўйинчиси. 23. Франция ҳужумчиси. 24. Мексика ўйинчиси. 25. Миллий терма жамоа. 26. Бразилиялик Кафу тўп суродиган Европадаги клуб.

**Бўйига**  
1. Миллий терма жамоа. 2. Парагвай ҳимоячиси. 3. Ўйинни безовчи ҳолат. 5. XVI - чемпионатда 9 ўйинчиси қатнашаётган Европа клуби. 6. Хорватия ўйинчиси. 7. Нигерия ҳимоячиси. 9. Голландия дарвозабони... Дер Сар. 12. Камерун ўйинчиси. 13. Бельгиялик ярим ҳимоячи, Клоэвертинг «ошнасиз». 16. XVI чемпионатнинг кучли ҳужумчиларидан бири. 17. Чили ҳужумчиси. 18. Руминия ўйинчиси. 19. Бир неча ўйинчиси Австрия шарафини ҳимоя қиладиган Германия клуби. 22. Чемпионат қатнашчиси бўлган давлат пойтахти.

Тузувчи М. ЭСОНОВ.

Газетанинг 24 сониди берилган топкирлик машқи ва муаммонанинг жавоблари:  
1. Хумоюн. 2. Консул. 3. Коллеж. 4. Нодира. 5. Жамшид. 6. Бағдод. 7. Хоразм. 8. Лойиха. 9. Камла. 10. Намдар. 11. Орипов. 12. «Авесто». 13. Бу-хоро. 14. «Куръон».  
**МУАММОНОМА**  
Очқич сўзлар: 1. Дўстлик. 2. Элчи.



ХУКУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

Ўғирланган мол-мулклар суддан сўнг нима қилнади, эгасига қайтарилдими?  
Р. ШАРИПОВ,  
Риштон тумани.

Жиноят содир этилиши натижасида жабрданувчи фуқаролар ёки корхона, муассаса ва ташкилотларнинг йўқолган ёки ошъвий далил деб топилган мол-мулк ўз эгаларига қайтарилди.  
Мабодо бу мол-мулкнинг эгасини аниқлашнинг иложи бўлмаса, давлат тасарруфи-га ўтди.

Шунингдек, жиноят на-рриси бўлган мол-мулк ба-шарти аввали эгасига қай-тариб бериш лозим бўлмаса, суд ҳукми билан давлат эга-лигига ўтказилади.

Овозликдан маҳрум этилган шахслар ҳам юридик ёрдам олиши мумкинми?  
О. КАМОЛОВ,  
Хоразм вилояти.

Ҳа, албатта. Маҳкумлар адвокатлардан малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга.  
Юридик ёрдам олиш учун адвокатлар билан учрашув маҳкумларга аризасига кура берилади. Адвокатлар билан учрошувлар миқдори ва му-ддати чекланмайди.

Агар шахс бир неча жойларда жиноят содир этган бўлса, унда унинг ишини қайси жойдаги суд кўради?  
Б. Жўраев,  
Янгийўл шахри.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 391-моддаси талаб-ларига мувофиқ жиноят иши жиноят содир этилган жойдаги судда кўрилади. Лекин узокка чўзилган ёки давомли жиноят-ларга доир ишлар эса жиноят қайси ҳудудда томонланган ёки тўхтатилган бўлса, шу ҳудуддаги суднинг судловига тегишли бўлади.  
Агарда жиноят содир этил-ган жойни аниқлаш имконияти бўлмаса, иш дастлабки тергов тамом бўлган ҳудуддаги суд томонидан кўрилади.

Жавобларни ҳуқуқшунос Д. ХАЛИЛОВ тайёрлади.